

Mustahkam oila – yurt tayanchi


QILA DAVRASIDA

№ 29
(427)
6-avgust
payshanba

www.od-press.uz

İjtimoiy-siyosiy, ma`naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqsa boshlagan.



«Оила даврасида»
газетасига

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

Обуна бўлдингизли?

ШОШИЛИНГ!

2020 йил учун
обуна давом этмоқда

Обуна
индекси – 193

uzkitob.uz



«О'ЗДАВКИТОБСАВДОТА'МИНОТ»
Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кӯчаси 30-үй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

УШБУ СОНДА:



МАКТАБЛАР ҚАЧОН
ОЧИЛАДИ?

Мутахассис жавоб берди

2-бет



ЎЗИМИЗ
ИФЛОСЛАЁТГАН ДАРЁ

Орамиздаги ўзга сайёраликлар

3-бет




КИПРИГИДА

дунёни кўтарган она

5-бет

Вафотидан кейин
КЕЛГАН НАВБАТ

6-бет



ДЕМОКРАТИЯ ИДДАОСИ
ёхуд «озодликка чиқсан» қизлар

5-бет

ҲАҚ СЎЗ УЧУН
15 йил

8-бет

Энг сара
китоблар
ассортименти

ПАНДЕМИЯ ЭМАС, ИНФОДЕМИЯ ЎЛДИРАДИ



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертиларининг фикрича, дунё мамлакатларида COVID-19 пандемияси пайдо бўлиши билан бир қаторда, «инфодемия» деб аталадиган ўта салбий ҳолатга дуч келинмоқда.

Инфодемия – медиа маконда муайян бир мавзу ва муаммо бўйича маълумотларнинг керагидан ортиқ мавжуд бўлишидир. Бу афсуски, ана шу муаммога ечим топилишини бир неча бор кийинлаштиради ва вазиятни чалкаштиришга олиб келади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида содир бўлган фавқулодда вазият пайтида инфодемия хатоларнинг бўрттирилиши, ёлғон хабар ва миш-мишларнинг авж олишига олиб келмоқда. У шунингдек, самарали жавоб чоралари кўрилишига халал бериши, касалликнинг олдини олиш учун таклиф этиладиган ечим ва маслаҳатларга нисбатан чигаллик ва ишончсизлик туғилишига хизмат қилиши мумкин.

Айрим журналист ва блогерлар нафакат ижтимоий химоя, соғлиқни сақлаш тизими, балки давлат бошқаруви тизимига ҳам ишончсизлик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин бўлган материалларни тарқатишга ўтиб олиши.

Бундан ташкари коронавирусга чалинган оддий ҳамюртларимиз ва қурбонлар шахсига нисбатан дахлсизлик принципларини кўр-кўёна бузатгандига гувоҳ бўляпмиз. «Биринчи касаллар»нинг исм-шарифларини ҳатто сарлавҳаларга чиқариб, байроқ қилиб кўтариб югурдик. Нафакат маҳалласи, балки уй манзилларигача элга овоза қилдик. Бу билан уларнинг эрганги кунига, ҳаётiga очиқчасига «тупурдик».

«Бирор ўлиди» деса, орқада қолиб кетмайлик, деб дарров, бошқа сайтлардан бу каби шум хабарларни текширмасдан кўчириб, тезроқ майитни «кўмиб» келдик. Уялмадик...

Ахир, журналистика мактабида устозларимиз ҳар қандай факт камидан учта жойдан текширилиб, кейин узатилиши керак деб қулоғимизга қуюшмаганмиди?

Бундан бир йил олдин сиз билан биргалиқда ишлаб чиқиб, ўзимиз бир овоздан қабул қилган «Ўзбекистон журналистларининг касаб этикаси кодекси»ни ўзимиз оёқости қилаётганимизни наҳотки тушунмасак.

Ана шу кодекснинг «Шахсий ҳаётга ҳурмат. Шахс шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш» номли 7-моддасидаги тамоийил қачонгача поймол қилинади? Ахир бу сўзларни ўзимиз ёзиб қўйгандик-ку: «Журналист одамларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини ҳурмат қиласи. Шахс шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймайди...»

Бир-биримизга берилган ваъдаларни, касб тамойилларини бир йил деганда ёсдан чиқариб улгурдикми?

Келинг, қизишмайлик-да, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг журналистлар учун COVID-19 пандемиясини ёритиш борасида ишлаб чиқсан тавсияларининг айрим жиҳатларига бир эътибор берайлик:

Этика жиҳатидан вазмин ва масъулиятли бўлиш.

Шов-шувли хабар ёки ваҳима тарқатишдан ўзини тийиш.

Ижтимоий жиҳатдан масъулиятли бўлиш.

COVID-19 пандемияси ҳамда кўрилаётган жавоб чоралари тўғрисида далиллар ва ҳақоний маълумотлардан фойдаланиш.

Ишончли, илмий асосланган ва синаланган манбаларга таяниш.

Касаллик тарқалишини тўхтатиб туриш ёки сусайтиришга ёрдам берувчи чоралар тўғрисида ёзиш.

Беморларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини ҳурмат қилиш ва уларнинг шахсиятларини ошкор қилмаслик ҳамда уларнинг розилигисиз улар ҳақида тўлиқ маълумот бермаслик...

Хуллас, юкоридаги тавсияларга бир эътибор қаратсак, назаримда, ёмон иш қилмаган бўлардик. Нима бўлганда ҳам ҳозирги бало-қазолардан вақти-соати келиб қутулармиз. Насиб бўлса шу одамлар, шу ҳалқ ичидан яна яшармиз. Бироқ, кеч бўлмастан эл қўзига эртага қандай қарашни обдон ўйлаб кўрсак бўларди.

Беруний АЛИМОВ

КОРОНАВИРУСНИНГ

Коронавирусга қарши кураши штаби аъзоси Севара Убайдуллаева қўччиликни қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб берди.

**COVID-19 ўпка ҳајсмига
тавсир кўрсатадими?**



Ҳа, тавсир қиласи. Яъни, агар bemorda MSKT (мультисписал компьютер томография)сида ўпкада маълум фоизда жароҳатланиш кузатилса, бу меъёрий ҳажмда ўпканинг шунча соҳаси фаолияти орқада қолаётганини билдиради.

Бу эса, ўпканинг шунча қисми нафас фаолиятида фоизирик иштирок этмаслигини билдиради.

Инсон организми қайта тикланишга мойил. Доимий енгил жисмоний фаоллик билан шуғулланиш ва нафас машқларини бажариш билан ўпкани жароҳатланишидан асраршга ёки жароҳатланган соҳаларни тиклашга, ўзингизга ўзингиз ўрдам беришингиз мумкин.

ўпкага таъсирини камайтириши ўйлари маълум қилинди



Коронавирус касаллиги кимларга
юқмаслиги ҳақида маълумотлар мав-
жуими?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан бу касалликка ҳамма чалиниши мумкинлиги тўғрисида маълумот берилган.

Бугунги кундаги ҳолатга тўхталадиган бўлсак, ниқоб тақиб юриш ва ижтимоий масофа сақлаш ҳамда имкон қадар ўзини алоҳидалаганларга юқиши эҳтимоли пасаяди ёки вирус организмга тушиши камаяди.

Одамлар билан мулоқотни чеклаган инсонларга юқмаслиги мумкин.

Лекин вақт ўтиб, ҳар бир инсон ҳаёти давомида бу инфекция билан барibir тўқнашади ва шу даврда коронавируснинг касаллик чақириш қобилияти камайган бўлса енгил кечиради.

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ОЧИЛАДИМИ?

Вазирлик изоҳ берди

Карантин чоралари давом этётган ҳозирги вақтда кўпчилик ота-оналарни «Бу ўқув йили кай тарзда бошланади?», деган савол ўйлантираётгани аниқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузыридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидаги Халқ таълими вазирлиги матбуот котиби Лайло Рустамова бу саволга оидинлик киритди.

Хозирда тегишили вазирлик ва идоралар ўқув йилини қай тарзда бошлаш устида ўрганишлар олиб боряпти. **Бунда 3 та сценарий кўриб чиқилмоқда:**

Биринчиси, пандемия ҳолати баркарорлашиб, мактаблар одатий тартибда ўз фаолиятини бошлай-

ди. Бу вазирлик ва ўкувчилар учун энг макбул вариант.

Иккинчиси, ССВнинг Ўзбекистонда болаларда вирус кечиши бўйича хулосаси ижобий бўлмаган тақдира таълим онлайн тартибда давом эттирилади.

Учинчиси, гибрид сценарий бўлиб, мактаблар очилади. Маълум бир ҳудуд ва мактабдаги карантин ҳолатидан келиб чиқиб фаолият олиб борилади. Бунда фарзанди саломатлигидан хавотир олган ота-оналарга болани уйда онлайн ўқитишга имкон берилиши кўзда тутилган, яъни боланинг мактабга бориш-бормаслиги ихтиёрий бўлади.

Бу борадаги якуний хулосани Республика маҳсус комиссияси қабул қиласи.



ЎН КУН ИЧИДА КЛИНИК БЕЛГИЛАР БЎЛМАСА

бемор тақрорий текширилмайди

Бу ҳақда Коронавирусга қарши кураш штаби аъзолари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари иштироқида бўлиб ўтган матбуот анжуманида айтилди, дея хабар берди ЎЗА.

Штаб аъзоси Лазиз Тўйчиев Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги турдаги коронавирус инфекциясини даволаш бўйича олтинчи кўлланма ишлаб чиқилганини маълум қиласи.

– Коронавирус билан касаллашини 4-5 ионъ ва кечаги расмий кўрсаткичга аҳамият берадиган

бўлсак, 5 ионда 16 ўлим қайд этилган. Кеча ўлим сони 165 тага етди. Беморлар сонига нисбатан олганда согайғанлар кўрсаткичи аввал 81 фоиз бўлса, бугун 60 фоизни ташкил этмоқда. Беморда 10 кун ичидан клиник белгилар пайдо бўлмаса улар тақрорий текширилмайди. Бизнинг назоратдан чиқиб кетади.

Беморларга балл кўйиш тизими ҳам жорий этилмоқда. Уларнинг ҳолати оғирлашаётгани ёки енгиллашаётгани баҳолаб борилади. Олтинчи кўлланма бугун барча шифокорларга тарқатилади.



Ингаляция ёрдам берадими?



Ингаляция турли йўтал шаклларида балғамни юмшатиш ва дренажлашда ёки бронхоспазмларда спазмни йўқотишида турли дори-дармонларни қўллаш билан тавсия этилади.

Коронавирус билан касалланишда балғамсиз, курук йўтал кузатилади.

Бундай ҳолатда ингаляция қилиш яллиғланишга ёки йўтал кучайишига олиб келиши мумкин.

Бир куни ғамгин ҳолда ўтирган шайх Боязид Бастомийни кўрган шогирд устозидан бу қайгуниг сабабини сўрабди. «Ер юзида эл кўп, лекин одамдан холи. Ҳар кимга ўзи қилаётган иш хуш кўринади. Одам деб айтса бўладиган бирон кишини кўрмаяпман...» деб жавоб бериди шайх.

Бундан бир неча йиллар олдин жойларда ҳалқнинг дардини эшигадиган идоралар ташкил қилиниб, барча соҳаларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларга жавоб ба ечим топиш максад қилинди. Халқ «энди бизнинг ҳам кўксимизга шамол тегадиган бўлди», деб эрталабдан ўша жойларга бориб оладиган, у ерда узундан узок навбатлар пайдо бўладиган бўлди. Кимдир йиғлаб борган дардига даво топди. Кимгadir беш-ён марта катнаганидан кейин «даво топдим» деб ёздириб, имзолатиб олинди.

ажабланарли эмас. Ҳалқнинг юз-кўзидағи норозилик алломатларини пайқай оладиган хушёроқ раҳбар бўлса, «у воқеани ҳозир ходимларимиз ўрганяпти. Иш охирига етса, албатта маълум қиласиз», дейиш билан чекланади.

Умид билан мажлисга кўз тикканлар фалон соат давом этган мажлисдан бирон жўяли нарса тополмай яна ўзларининг анъанавий йўлида ишни давом эттиришади.

ЎРТАДА ЎЗИМИЗ ИФЛОСЛАНТИРАЁТГАН ДАРЕ БОР...

ёхуд одам тақчиллиги синдроми

Шундан кейин муаммолар қанчалик камайганини аниқ ҳисоб-китобини билмадигу, лекин ҳозир у жойлардан ҳалқнинг қадами анча қирқилиб қолгани бор гап. Балки одамларни қийнаб келаётган ҳамма муаммолар барҳам топгандир?

Балки...

Аммо, бизнингча, одамлар энди муаммолар ечимида бошқа йўллар билан борадиган бўлди. Ижтимоий тармоқларда ёзиш ёки ўз ҳоли баён қилинган видеомурожатлар йўллаш кўпайгандан кўпайди. Бундай уринишлар ҳам буткул беиз кетмади. Жабрдийдаларга баъзан виждони уйғониб кетган мансабдорлар, баъзан эса имконияти бор саҳоватпешалар ёрдам кўлини чўзадиган бўлди. Кўпчиликка фойда берган бу усул ижтимоий тармоқларда ҳозир ҳам жуда учрияпти...

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Ижтимоий тармоқда бир киши дардини айтиб йиғлайди, «атрофи»да минглаб кишилар унинг ҳолатини муҳокама қиласи. Тўғрироғи, унинг шундай ҳолатга тушиб қолгани учун айборни топиш билан «шуғулланади». «Айбор» ҳам минг қиёфали афсунгарга ўхшайди. Кимдир қуёшни айбор деб билса, кимдир бу ишда шамолни айблаб, етти пуштининг гўрига ўтиң қалайди. Айблаш занжири жаҳлга, сўқиниш-ҳакоратлашга, норозиликка, ҳатто бир ховуч кимсаларнинг бош кўтариб майдонга чиқишигача бориб етади.

Бу гапларни ҳамма кўриб-билиб турган эмасми, гап эгасини дарров топиб, эртаси куни ёқ масъул мутасаддилар тезкор йиғилиш ўтказишади. Унда соҳанинг барча каттаконларини тўплаб, маъруза қилдирилади. Маърузалар минг йиллик қадриятлар каби ўзгармас матнлардан иборат: мустақилликдан олдинги аянчли аҳвол, истиқлол берган имкониятлар ва сўнгги йилларда эришилаётган улкан ютуқлар кўрсаткичи. Тамом.

Агар уларга бирон шаккоқроқ киши бошини кундага қўйиб (ҳа, шундай, улар савол беришини қарши чиқши деб қабул қилишиади): «Куни кеча бўлиб ўтган ҳаммага маълум воқеалар ҳақида нима дея оласиз?» қабилида савол бериб қолса, масъул мутасадди ҳозиргина ўкиб эшигтирган узундан-узок маърузасини яна қайта бошдан ўкиб бериши ҳеч

ижтимоий тармоқдаги ўз саҳифани очиб, «Зулм! Адолатсизлик! Қачонгача?!» деб бошланадиган одатий дийдиё нақоратини кўйлашади.

Қарабисизки, бир иш шу йўл билан охирига етказилади.

«АВВАЛО, ОДАМ БЎЛ!»

Японияда ўкиб қайтган ўзбек йигитидан сўрадим: «Япон мўъжизасининг сири нимада экан? Япон нимаси билан япон? Шулар билан қизиқиб кўрдингизми?»

Унинг жавоби мени ҳайратлантириди:

«Улар бошлангич таълимда уч-тўрт йил факат фарзандни одам килиб тарбиялаш билан шуғулланишаркан... Ҳар бир фарзанд зўр мутахассис бўлишдан олдин албатта ўзининг кимлигини ҳис килиб яшайдиган уйғоқ виждонли одам бўлиши шарт экан...»

Ҳа-а! Демак, жамиятда турли муаммолар авж олиб кетмаслиги учун унга биринчи навбатда ҳаётдаги ўз ўрнини биладиган, ишига ҳалол ва садоқат билан қарай оладиган виждонли одамлар зарур бўлар экан-да! Биз буни қачон англаб етар эканмиз?..

Биз энг муҳим соҳаларни ҳам турли иллатлардан буткул тозалашнинг удасидан чиқмаётганимиз, балки у ерда ишлаётган мутахассисларга юкоридаги катъий талабнинг кўйилмагани билан боғлиқдир?

Балки кутилган ислоҳотларнинг туб негизида жамият олдидаги масъулиятини жонидан ҳам кўпроқ қадрлайдиган соғдил ва виждонли мутахассислар тақчиллиги тургандир?..

Эҳтимол, эл-юртнинг катта ишончига нишон бўлган бирон мутасадди ишни биринчи навбатда кўл остидагиларининг чинакам одам килиб тарбиялашдан бошлаши зарурдир?.. Ўшанда ҳар қандай вазиятда ўзини ва ўзлигини ўқотмайдиган, энг муҳими, сўнгги



нафасигача одамлигини сақлаб қола оладиган мутахассислар кўпаяр?

Шахсан мен ҳозирги жамиятда ўтда куймас, сувда чўкмас, «ўз аҳдига содик», «қасб»ига садоқатлilarдан ташкил топган иккита жуда бақувват тизим борлигини биламан. Тўғриси, буни билмайдиган ҳеч ким йўқ. Бири – коррупция, иккинчиси – проституция. Бу икки мустаҳкам тизимга ҳатто ҳар куни минглаб кишилар ҳаётiga шиддатли таҳдид солиб турган пандемия ҳам ҳеч қандай кирғин келтира олмаяпти. Шулар бор экан, миллат ва жамиятнинг таназзули учун бошқа иллатларга ҳожат қолмайди. Булар — икки томон (*айрим бошқарувчилар ва бошқарилувчилар*) нинг умумий манфаатлари жамланган тизим бўлгани сабабли уни енгиш амри маҳол. Пора билан қўлга тушган ҳоқим, орган ҳодими, ўқитувчи, шифокор ё давлат хизматчиси ҳақидаги хабарларни кунора эшишиб-кўриб турган ҳалқда норозилик ва нафрат ортиб бораверади. Лекин ўша мансабдорларга қинғир ишини ими-жимиди битказиб беришини сўраб, порани кўшқуллаб тутқазувчилар ҳам ўзга сайёрадан келганлар эмас. Аммо барибир икки фронтга ажralиб олиб бир-бировни ёмонлаш эстафетаси негадир авж олаверади. Кимдир кайси бир давлат мулозимининг ўз ўрнини бўшатиб қўйиши зарурлигини иддао қиласи. Бунга жавобан ўша соҳада олдин ҳалқнинг юзига «шапалоқ» тортиб юрганлар энди росмана «калтак»ка ўтади.

Ҳаётнинг бу бозорини ҳар куни оралаб шоир айтган «молим ёмон деган кимсани» чиндан ҳам учратолмайсиз...

Баъзан ҳалқнинг дилида занг босиб ётган гаплар бир пайтлар газеталарда ёзила бошлади. Кейин эса «мажбурий обунага йўл қўйилмайди» деган ўта дипломатик йўл билан омманинг газета ўқиши энг охири даражага тушириб қўйилди. Қизиги шундаки, ҳамма биладиган бу ҳақиқатни ҳеч қайси йўл билан исбот қилиб бўлмайди.

Кўзгудаги ким?

«Уларга нима етмаяпти ўзи!» – дейди бир томон.

«Бир кишига ўттиз беш миллион» – деган гапга ким ишонади? Шунча пуллар қаерга кетяпти?» – дейди иккичи томон.

«Нима қилишни ўзим биламан!» – дейди бошқа бир томон.

«Мендан рухсат ололсанг, истаганингни қилаверасан», – дейди унга жавоб берган томон...

Хуллас, дунёда бошқаларнинг қадами еттинчи осмонга етётган янги асрда биз икки қутбга бўлинib олиб, ҳали-ҳамон «ким айбдору ким гуноҳкор» деган мингинчи даражали саволлар билан бандмиз. Ўзимиз килишимиз зарур бўлган ишнинг эса, нимадан иборатлигини ҳали ҳам илғаб етганимиз йўқ. Кундалик ишимиз бирорвларнинг хато-камчилигини топиш, бошқаларнинг ишига баҳо бериш, бўлса-бўлмаса, аралашиб муносабат билдириш, ўтганинг ўрогига, кетганинг кетмонига тош отиш, шунинг орқасидан ўзимизни қаҳрамон килиб кўрсатиш бўлди ва бўляпти ҳам.

Шов-шувнинг ортидан кувиш, бирон жойдан шов-шувли гап чиқиб колса, уни бўяб-бежаб бошқаларга тез етказиши кўпчилик легал ва нолегал касб килиб олди.

Гёй бу икки тараф ўртасида катта ва ўтиб бўлмас дарё бор. Сувнинг у юзида турганлар бу томонга аямасдан тош, кесак, кўлига илинган ҳар хил ифлосликларни тинимсиз улоқтиради. Бу томонда турганлар қофозга ўраб, қаловини топиб, нариги томонга маҳсус мосламалар билан «нажосатли шамол» эсдиришади. Юзага келган бундай вазиятдан ҳеч ким фойда кўрмайди. Икки ўртада дарёнинг суви кундан-кунга ифлосланиб, айниб бораверади. Энг қизиги, ҳар икки томон ҳам ўзлари ифлослантирган шу сувдан ичиб тириклик қилишади.

Бундай пайтда лоақал жим туриш ҳам фойдали. Шундай қилган киши ҳеч йўқ ўзига ва дарёга раҳм қилган бўлади.

Шундай кезда «Хой, одамлар! Нималар киляпмиз ўзи? Кўзимизни очайлик! Уйғонайлик! Қилаётган ишларимизга бир назар солайлик!» деб айта оладиган, шундай гаплари билан амалий таъсир ўтказишга қодир бир одамга эхтиёж туғилади.

Боязид Бастомий излаб тополмаган, дунёнинг хувиллаб қолишига боис бўлган ОДАМ балки ўшадир...

Озод НАЗАР

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ

Карантин вақтида аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантиришда маъмурий усулларга эмас, тушунтириш ишларига урғу бериш керак эди. Пандемиянинг одамлар ҳаётидаги психологияк таъсирига кам эътибор қаратилди. Мисол учун, ниқобларни тақиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиши, касаллик тарқалиши жараёнини назорат қилиш борасида камчиликлар кўп.

Коронавирус пандемияси сайёрамиздаги миллионлаб ва миллиардлаб одамларнинг одатий турмуш тарзини издан чиқарип юборди. Сўнгги беш-олти ой давомида дунё таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Одамлар аввал мамлакатлар чегарасида, кейинчалик шаҳар ва туманлар худудида, ундан ҳам кейинроқ эса уйлари ва хонадонлари доирасида камалиб ўтиришга мажбур бўлдилар. Хиёбонлarda сайд килиш, концертлар, театр ва стадионларга, кафе ва ресторанларга бориш оддий ҳодисадан орзуга айланиб қолди. Бундай сайдлар онлайн кўринишга ўтди. Бу эса табиий сайдларнинг ўрнини қисман босиши мумкин холос.

Сайд ва томошалар ҳам майли, муҳими ўкиш ва ишлар, дўстлар билан учрашиш, мажлислар, конференция ва даволовчи врачлар билан учрашиш ҳам кўп ҳолларда онлайн кўринишга ўтди. Муайян вақт ўтгандан кейин онлайн учрашувлар оддий турмуш тарзига айланиб қолади. Демак, авваллари одатий ҳисобланган турмуш тарзига қайтиш қийин бўлиши мумкин, одамларнинг аксарияти эса эски турмуш тарзига қайтишни истамай ҳам қолиши мумкин. Боболардан колган гап бор: девор мингана от ёқмайди. От ёқмаса ҳам майли, девор мингана одам от минганинг устидан кулар экан, унинг лўқиллашини кара, деб...

Пандемия тугагандан кейин янги шароитга қандай мослашиш келажакда ҳал қилинадиган муаммо. Ҳозирги кундаги муаммо эса – вужудга келган муаммоли

ни, оммабоп тиббий китобларни ўқимаган одамлар бу вазият учун айбор бўлиши мумкинdir.

Лекин айни пайтда аҳолининг тиббий маданиятини ўстириш, одамлар санитария-гиена талабларини бажариши учун соғлиқни сақлаш вазирлиги ва умуман, тиббиёт ходимлари ҳам маъсул эканини унутмаслик керак.

Карантин талаблари бироз юмшатилган даврда жамоат транспорт воситаларидан фақат автобусларнинг қатновига рухсат берилди. Бу даврда ҳам аҳолимиз тиббиёт ходимлари тили билан айтганда, яна кўйилган талабларни қўпол равишда буза бошлади, автобусга чиқканда ёнма-ён ўриниклардан фақат биттасига ўтириш кераклиги, тик турган йўловчиларнинг тирбандлигига ўйл кўймаслик каби талабларни бажармай, автобус салонларида консерва банкасига солинган бодрингдай лиқ тўлиб олиши. Талабларнинг бундай бузилиши телевидениедаги видеолавҳаларда роса танқид ҳам килинди. Биз бундай ҳолат учун ўша йўловчиларимизнинг айбидан кўз юммокчи эмасиз. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Мана шундай вазиятнинг вужудга келиши аҳолимизда тиббий маданиятнинг етишмаслиги туфайлигина юз бердими? Бизнингча, бундай эмас.



холатдан қандай чиқиш лозимлигини аниқлаш. Чиқиш йўлини топишдан аввал, бу холатнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаб олиш лозим.

Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларга караганда тиббиёт тизимидағи раҳбарлар коронавирус пандемияси бўйича аҳволнинг мурakkablaшви ва оғирлашувида аҳолини айблашга мойил. Уларнинг фикрига кўра, тиббиёт ходимлари қўлларидан келган барча ишларни қўлмокда, аҳоли эса уларнинг гапига қулоқ солмай, гигиена талабларига риоя килмадилар, никоб тақмадилар, тўйларни ўтказишида ўттиз киши ўрнига икки-уч баравар кўп меҳмон чакириб ўтказдилар. Баъзи тиббиёт ходимларининг гапига караганда, аҳолимизнинг тиббий маданияти ҳам етарли даражада эмас.

Аҳолининг муайян қисмида тиббий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги сабабларини таҳлил килиб кўрайлик. Тиббий маданиятини ошириш учун ўз устida ишламаган, тегишли газета ва журнallar-

Карантин эълон қилинган дастлабки кунлардан бошлаб барча фуқаролар учун кўча-кўйда, жамоат жойларида химоя никоби тутиш мажбурилиги жорий қилинди. Бу талабни барча ҳам бажаравермади ёки бажарса ҳам нотўғри бажарди. Бунинг сабаби шундаки, карантиннинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳоли орасида тушунтириш ишларига эмас, маъмурий усулларга асосий урғу берилди.

Никоб тутишнинг мажбурийлиги баъзи ҳолларда ошириб юборилди. Масалан, карантин эълон қилинган дастлабки кунларда телевидение орқали олиб борилган тарғибот ишларидан шахс ўзининг шахсий автомобилида ёлғиз кетаётган бўлса ҳам никоб тутиши мажбурийлиги, тутмаса жаримага тортилиши қайд этилди. Бундай талаб илмий мъеъларгагина эмас, оддий мантиққа ҳам зид эди. Автомобилда ёлғиз кетаётган одам никоб тутмаса, бундан ҳеч кимга зарар келмайди. Буни исботлашнинг ҳам хожати ўйк.

Бунинг устига, якин ва узок кўшни мамлакатларда никоб тўғрисида турли фикрлар билдирилди ва бу фикрлардан аҳолимиз ОАВ орқали хабардор бўлиб турди. Жумладан, хориждаги таникли олимлардан бир қанчаси ниқоблар коронавирусга қарши курашда ҳеч қандай фойда бермаслиги тўғрисида кўплаб чиқишлар қилдилар.

Тиббиёт ходимларимиз ана шу иккиланишни ҳисобга олмади ва никоб тутиш нима учун зарурлигини етарли асослаб бермади. Бунинг оқибатида фуқароларимизнинг каттагина қисми ниқобни номигагина тутди.

Тажриба тарикасида торроқ доирада, эксперт сўровлари усули ёрдамида ўтказган социологик сўровларимиз одамларимизнинг ярмидан ортиқроғи бир марталик никобни 2-3 соатда эмас, кун давомида ҳам янгиламаслигини кўрсатди. Аҳолининг 20-30 фоизи эса никобни хафта давомида ҳам янгиламаслиги маълум бўлди. Оиланинг барча аъзолари учун 2-3 никоб сотиб олиб хафталар давомида ким кўчага чиқса, ўша никобдан фойдаланадиган оилалар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият вужудга келишида тиббиёт ходимларимизнинг аҳоли орасида тиббий тарғибот ишларини етарли даражада ва таъсиричан олиб бормаганларининг роли катта бўлганига алоҳида эътибор қаратмокчимиз.

Кун давомида янгиламаган ва хафта давомида тутилган никобларнинг фойдасидан кўра зарари бир неча баравар ортиқ бўлади. Бундай никоб коронавирус учун тўсиққа эмас, уни кўпайтирувчи инкубаторга айланиб қолади. Бу ҳолат коронавирус тарқалишида портлаш юз бериши мумкинлигига ишора эди.

Биз бу ҳақда юкори идораларга ионъ ойининг бошларида ёзма равишда фикр билдириб, аҳвол шундай давом этса, бир ой ўтар-ўтмас, коронавирусга чалинглар сонининг ўсиши кунига 500-600 ва ундан ҳам ортиқроқ бўлиши мумкинлигини баён қилган эдик. Бизнинг бу кўнгилсиз башоратимиз тўғри чиққанини таассуф билан эътироф этишга тўғри келади. Бу хатимиз Тошкент шаҳар санитария-гиена бошқармасига юборилган экан. Бу бошқарма бошлиғи биз кўтарган масалаларнинг бирорласига муносабат билдиримаган ҳолда, бизга масхараомуз кўринишида жавоб ёзди.

Бизнингча, мамлакатимизда коронавирусга қарши курашда санитария ва эпидемиология бўйича мутахассисларимиз ўйл кўяётган камчиликлардан яна бири шундан иборатки, пандемиянинг олдини олиш, профилактика килиши ва уни енгишда психологик омилларга етарли эътибор берилмаяпти. Бу масалага эътибор каратаётганимизнинг сабаби шундаки, ҳозирги кунда дунёда коронавирус билан боғлиқ бир эмас, иккиси пандемия юз бермоқда. Улардан биринчиси ва кенг оммага маълум бўлгани айнан коронавирус пандемияси бўлса, иккинчиси ана шу биринчи пандемия туфайли вужудга келган вахималар, мишишлар, стресслар, депрессиялар пандемияси.

Коронавирус кимга юқса, ўша шахс зарар кўради, азобланади, ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин. Иккинчи пандемия эса коронавирус юкмаган одамларга ҳам катта зарар келтирмоқда. Одамларнинг дунёқараши, асаб тизими ва одатларига боғлиқ равишда вахималар пандемияси коронавирус юкмаган минглаб эмас, миллионлаб одамларнинг соғлиғига, кундалик ҳаётига, касбига, турмуш тарзи ва даражасига жиддий зарар етказмоқда.

Лекин шу пайтгача мамлакатимиздаги ОАВларда коронавируснинг психологик оқибатлари тўғрисида бирорта жиддий таҳлилий материал берилмади. Психологлар таклиф этиб ўтказилган кўрсатув ва эшиттиришларда эса соҳага бевосита алоқадор бўлган бирорта ҳам психолог, яъни клиник психолог ёки тиббий психолог катнашмади. Ҳолбуки, аҳолимизнинг пандемия шароитидаги кайфиятини қўллаб-куватлаш, кўтариш, одамларимизда пандемияга нисбатан тўғри ва оптимал муносабатни шакллантирища айнан тиббий психологларнинг фикри ва чиқишлари жиддий ёрдам бериши мумкин эди.

Тўғри, 23 июль куни телевидение орқали эфирга узатилган кўрсатувда тиббиёт фанлари доктори, профессор Қ.Мустафоев коронавирусни даволашда дори-дармонлар 30 фоиз аҳамиятга эга бўлса, психологик омил 60 фоиз кучга эга бўлишини иккиси бора қайтарди. Лекин бу оддий қайд килиш эди холос. Биз профессор Қ.Мустафоевни айбламоқчи эмасиз, чунки ўз чиқишида психологиянинг ролини таҳлил қилишни мақсад қилиб кўймаган бўлиши мумкин.

Тиббиёт ходимларимиз йўл кўйган хатолардан яна бири, бизнингча, шундан иборат бўлдики, аҳоли орасида вирус қанчалик тарқалганини ўрганишга ўз вақтида ва етарлича эътибор берилмади.

Пандемия тарқалган дастлабки кунларда бўлмаса ҳам, дастлабки хафталиарда бу балонинг аҳоли орасида қанчалик кенг тарқалишини тезкорлик билан ўрганиш зарур эди. Шундай килинганда коронавирус билан боғлиқ мамлакатимиздаги манзара аниқ ва равшан бўларди. Тиббиёт ходимларимиз эса, факат касаллик белгиси намоён бўлган беморлар билан шуғулланишида ва уларнингна хисобга олишиди.

Ҳолбуки, дунё тажрибаси шуни кўрсатдиги, коронавирус касаллиги беморларнинг 20-25 фоизида аломатлар билан ўтса, колган 75-80 фоизида аломатлар билан ўтади. Бу касаллик аҳоли орасида қанчалик тарқалгани ҳам хисобга олингандага худудларимизни яшил, сарик ва қизил турларга бўлиш ҳам воқеликка мосроқ бўлар эди.

КАМЧИЛИКЛАР



Ўшанда яшил деб белгилаган худудларимиз кизилга, кизил деб белгилаган худудларимиз эса яшилга айланниб қолиши ҳеч гап эмас эди. Шунда худудлардаги вазиятта берилган баҳолар ҳам ҳақиқий ҳолатга мутаносибр бўлар эди.

Тўғри, ахолини вирусга карши тестдан ўтказиш жиёдий маблағ ва куч талаб қиласи. 16 июль куни мамлакатимиздаги таникли эпидемиологлардан бири, профессор Ҳабибулла Оқилов ҳам телевидениедаги чикишида юртимизда кунига 22-24 минг тест ўтказилаётгани, лекин бу ҳам камлик килаётганини баён қилди. Мана энди ўзимизнинг маҳаллий ПЗР тестларимиз ишлаб чиқарилади. Энди ахолини тестдан кенгрок ўтказиш имкони пайдо бўлди.

Тиббиёт ходимларимизнинг фаолияти пандемияга қарши курашда аниқ беморларни даволашдаги техника ва ёндашувга боғлиқ. Бу курашнинг йирик тактик ва стратегик масалаларини ҳал қилиш эса соғлиқни саклаш тизимимиз раҳбарларига боғлиқ. Бизнинг таҳлилларимизга кўра, пандемияга қарши курашда йўл қўяётган хатоликларимиз айнан шу йирик тактик ва стратегик масалаларини ҳал қилишга даҳлдор.

Жумладан, биз коронавирусни аниқлаш бўйича тадбирларни етарли даражада тезкорлик билан ўтказяпмиз, дейиш мумкин. Лекин, менинг назаримда, касалликни даволашда тезкорликни етарли даражада намоён қила олмаяпмиз. Масалан, ривожланган мамлакатлар ва Россиядаги етакчи илмий-тиббий марказлар ва муассасаларнинг тажрибаси кўрсатишича,

касалликни даволаш уни аниқлаб ташхис қўйилгандан кейин эмас, унга гумон пайдо бўлиши билан бошланганда энг яхши натижаларга эришиш мумкин экан.

Бундай ёндашув биз учун ғалати туюлиши мумкин. Лекин бундай «ғалати»лик касалликнинг ноодатий «ғалати» касал экани билан боғлиқ.

Масалан, Новосибирскдаги Наукоградда жойлашган «Вектор» вирусология ва биотехнология бўйича давлат илмий-тиббий маркази тажрибаси кўрсатишича, даволашда энг юқори натижаларга бу касалликка гумон пайдо бўлиши билан бошланганда эришиш мумкин экан. Бу фикрга бизнинг шифокорларимиз, касалликка аниқ ташхис қўймай туриб, уни даволашни бошлаш мумкинми деган савол берилади табиий.

«Вектор» илмий-тиббий маркази ходимларининг тажрибаси кўрсатишича, касалликка гумон пайдо бўлиб, лекин ҳали ташхис қўйилмаган биринчи кундан муолажа бошланса, препаратларнинг кучи

100 фоиз намоён бўлар экан. Бир суткадан кейин эса уларнинг таъсири кучи 50 фоизга пасаёр, яна бир суткадан кейин яна 30 фоизга пасаёр экан. 4 суткадан кейин эса препаратлар хасталикка деярли таъсири қилмай кўяр экан. Коронавируснинг хозирча давоси йўқ, деган фикрларнинг сабабини эҳтимол мана шу ҳолатдан топиш мумкин бўлар.

Тан олиб айтиш лозимки, даволашни касалликка гумон пайдо бўлиши билан бошлаш жуда мураккаб. Бунга эришиш учун факат врачлардан эмас, ахолидан ҳам юкори тезкорлик талаб қилинади, яъни улар касалликка гумон пайдо бўлиши билан тиббиёт муассасаларига мурожаат килишларига, шифокорлар эса аниқ ташхис қўйишни кутмай муолажани бошлашларига тўғри келади.

Шифокорларимиз касалликка аниқ ташхис қўйилмай туриб, даволашни бошласак, унда препаратларнинг ножоя таъсири беморга кўпроқ зарар етказиши мумкин-ку, дейишлари ҳам табиий. «Вектор»нинг ходимлари ана шундай шароитда даволашни ножоя таъсири энг оз бўлган препаратлар билан бошлаётгандарини баён қилишди. Ўшанда касаллик тасдиқланмаган тақдирда ҳам препаратларнинг ножоя таъсири минимал даражада бўлди.

Юкорида тестлар ўзимизда ҳам ишлаб чиқарила бошлангани ва бу касалликка ташхис қўйишда кенг имкониятлар яратишини айтдик.

Лекин яхши ўйлаб кўрилса,
масаланинг моҳиятига
чуқурроқ кириб борилса,
касалликни аниқлашнинг
камроқ куч ва маблағ талаб
қиладиган бошқа усусларини
ҳам топиш мумкин
эди. Ҳали ҳам ўшандай
усулларни топиш ва улардан
фойдаланиш мумкин.

Бу усуслар қандай эканини баён қилсан, у мутахассис бўлмаган одамлар учун тушунарсиз ва кизиқарсиз бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бундай баён анча варак ва вақт ҳам талаб қиласи. Мабодо, тегишли раҳбарларда бу усусларга қизиқиши пайдо бўлса, уни бизнинг шароитимизда қўллаш имкониятларини биргаликда муҳокама қилишга тайёрмиз.

Абдуллаҳон БЕГМАТОВ,
Тиббий психолог, Президент ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиши ва
истиқболли қадрлар тайёрлаши
институти «Бошқарув психологияси»
кафедраси профессори.
(«Газета.uz»)

«Ўзбекчилик» деган ажойиб иборамиз бор. Баъзан коррупцияни, баъзан қариндош-уруғчиликни, баъзан бюрократияни, хуллас, нимаики хато-камчилигимиз бўлса ўшани – «Худо урган» мана шу ибора билан хаспўшлашга одатланганмиз. Худдики, миллий менталитетимизни ифодаловчи бу сўз бизнинг барча қинғир ҳаракатларимизнинг айбдоридек тутамиз ўзимизни.

ДЕМОКРАТИЯ ИДДАСИ

Тўғри-да, жазолаш керак бўлса, ўша менталитетни жазолашсин, асло бизни эмас. Бу, айниқса, баъзи катта авлод вакиллари орасида шаклланган тушунча. Уларнинг қон-қонига сингиб кетган ибора...

Лекин ҳозир гап бошқа нарса ҳақида.

Яқинда бир гуруҳ қизларнинг калта кўйилагу очиқ-сочиқ кийимларда турли ёзувларни кўтариб «ҳақ-хуқуқ» талаб қилиб чиқкан суратлари ижтимоий тармоқларни «портлатиб» юборди. Бу плакатлардаги ёзувлардан уларнинг мақсадини билиш қийин эмас: «Менинг танам – менинг ишим», «Келин – хизматкор эмас», «Аёл – инкубатор эмас» ва ҳоказо гаплар... Шу орқали худдики ўз ҳуқуқлари поймол этили-

баъзи бир катта авлод вакилларининг «қотиб қолган» қарашларио, «маънавият-маънавият» дея айюҳаннос солиб, амалда ҳеч нарса қилмагани, аксинча шу кунга қадар айтиб келаётган гапларига тескари иш килганида кўярпман, негадир. Ўзининг ҳар бир қинғир ҳаракатини «ўзбекчилик» дея оқлашга уринган катта авлод вакилларининг давомчилари улар. Фарқи шундаки, улар ўз ҳатти-ҳаракатини демократия ибораси билан хаспўшламоқда.

«Бу қизларда ҳаёй йўқ, ибо йўқ, қаерда қолди бизнинг Нодирабегимларимиз, Бибихонимларимиз...», деб жар солавериш бефойда. Ҳақиқий қадриятларимизни менсимай еб битирганингиз, аждодларимиздан мерос



шига қарши исён қилишган. Қандай кийиниши ва қандай яшащ ўзларининг ишлари, демократик ҳуқуқлари эканини иддао қилишган.

Бу воқеа Фарғонадаги истироҳат боғларининг бирида калта иштон кийиб, сайд қилиб юрган қизнинг нотаниш йигит томонидан унинг кийимига эътиroz сифатида дўппосланиши оқибатида юзага келгани айтилди. Лекин қизларнинг ҳақ-хуқуқ талаб қилиши кўпчиликка ёқмагани кўриниб туриди. Ижтимоий тармоқлар ақлдонларнинг эътиrozларио маслаҳатлари билан тўлиб кетди. Айниқса, йигитлар ва катта авлод вакилларининг ҳамиятига тегиб кетди бу воқеа. Айтилмаган ҳақорат сўз колмади тармоқларда.

Хўш, биз нимани кутган эдик аслида?! Демократик мамлакатлар сафида боришини мақсад қилар эканимиз, демократиянинг мана шунаقا, бизга ёқмайдиган томонлари ҳам бор эканини унтишига ҳаққимиз йўқ. Чунки агар демократиясига олиб қарайдиган бўлсан, ҳақиқатан ҳам ўша қизларнинг бадани – ўзининг иши, шахсий мулки ва унга бирор хўжайнлик қилишга, уни кийма, буни кий, деб мажбурлашга ҳақли эмас. Бир муслима қиз хижоб ўраб юришга қанчалик ҳақдор бўлгани каби, бу «суперзамонавий» қизларимиз ҳам ўзи истагандай кийинишга шунчалик ҳуқуқли. Чунки биз излаётган ҳақиқий демократиянинг тамойили мана шу...

Мен бунда айни ўша қизлардан изламоқчи эмасман. Ҳамма айни

пок виждану анъаналарни сақлай олмаганингиз, янги авлодга етказиб бериш ўрнига ўз нафсингиз билан овора бўлганингизнинг оқибати бу.

Сиз қадриятларимизни қурбон қилдингиз, коррупция боткоғига ботдингиз, вижданни сотдингиз, маданиятни булғадингиз. Ҳа, ҳа, катта авлод вакиллари, хафа бўлсангиз ҳам, курсанд бўлсангиз ҳам, айни ўзингиздан кидиринг. Мана бу қизлар сиз дину диёнатдан, имондан, миллий менталитетдан, ўзбекона, шарқона маданиятдан узоқда тарбиялаганингиз, ўз она тилини ўргатишни ор билиб русийзабон мактабларда ўқитганингизнинг маҳсулни.

Оқни корадан, маданиятни маданиятсизликдан, тўғрини нотўғридан фарқлай олмайдиган бир авлод пайдо бўлди. Олинг, тарбиянгиз мевасини. Энди уларга Нодирабегиму Тўмарислар ҳаёти ҳақида эртак айтганингиздан нима наф?! Энди уларга дину қадриятлар ҳақида гапиришнингизнинг кимга қизиги бор?! Қийшик ўсган ниҳолни энди мажбурлаб қанчалик тортманг, уларни ўзгартириш учун умрингиз ҳам, кучингиз ҳам етмайди.

Эрта-индин бир жинсли никоҳни талаб қилиб чиқувчилар пайдо бўлиб қолса, уларга ҳам қаршилик кила оладиган холингиз йўқ, тан олинг. Ёшингиз улуғ бўлишига қарамай бет-гачопарлик қилаётган бўлсан, айбга буюрмайсиз.

Бу ёғи демократиячилик...

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
журналист



Мен на шоир, на ёзувчи, на хонандаман. Юртимизнинг олис қишлоқларида яшовчи муштипар бир онанинг фарзанди сифатида юрагимнинг қатларига яширганим, ҳеч кимга, ҳатто, онажонимга ҳам айттолмаган қалб сўзларимни сизга илингим келди.

ДУНЁНИ КИПРИКДА КЎТАРГАН ОНАМ

Афсус, баъзида ўша бизга ҳаётини, соғлигини, тинчини, қўйинки, бутун борлигини баҳшида этиб, тўқиз ой бағрида кўтариб дунёга келтирган онаизоримиз қайнок тафтининг қадрига етмаймиз, гоҳида бир оғиз ширин сўзимизни қизганамиз.

Мен сизга фарзандларига ҳақиқий маънода беминнат оналик вазифасини адо эта олган, ёлғиз боши билан бизни катта қилиб, вояга етказган, онам ҳақида ёзмоқчиман. У зот ҳаёт синовларига эрта тўқнашди. Тўрт нафар фарзандининг бошини ёлғиз силашга, фоний дунёни эрта тарк этган отамизнинг ўрнини билинтирасликка ҳаракат килди. Онам бизга ҳам оналик, ҳам оталик меҳрини берib ўстирди. Ҳаётнинг бу аччик зарбасидан тушкунликка тушмади. Меҳнат қилиб, бизга ҳалол луқма едириб, касбининг орқасидан рўзгорнинг кам-кўстини тўлдиришга астойдил



бел боғлади. Онам боякиш эрта тонгда уйғониб, томорқамизнинг ярмидан кўпини чопиб қўйган бўларди. Кейин бизни нонуштага уйғотиб, бирга чой ичардик. Укам Оллашукурни синглим Нодира топшириб, ўзи мен билан бирга мактабга жўнарди. Томорқамиздан чиккан ҳосил ва онамнинг маошига қаноат қилиб яшардик...

Отам вафот қилган йиллари эди. Бизлар – ёш. Оиланинг энг каттаси – мен, ўн бир ёшдаман. Сингилларим Нодира, Саида ҳали кичкина, кенжатойимиз Оллашукур тўрт ёшда эди. Отам юрак хуружидан бу ёруғ оламни тарк этди. У кунларни элас-элас эслайман. Оллашукур укам отамга жуда ўрганган эканми, ўтираси ҳам, турса ҳам отамни сўрайверарди. Онам бечора ичидан зил кетса ҳам унга отасининг йўқлигини билдириласликка ҳаракат қилиб, «отам узоқларга ишлагани кетди, болам, сенга кўп нарса олиб келади», деб уни овутарди. Оллашукур бунга чиппа-чин ишониб «Ур-ре, дадам келар экан, менга кўп нарса олиб келади», – деб севинарди.

Кунларнинг бирида кўча болаларининг каттароқларидан бири «Сенинг отанг ўлган, энди ҳеч қачон қайтиб келмайди», деган шекилли Оллашукур уйга бўшашиб кириб келди. Онам томорқада ўтоқ қилиб юрган эди. Шунда Оллашукур:

– Ойи, менинг отам ўлганми? Энди ҳеч қачон қайтиб келмайдими? Айтинг, отам қачон келади?! – деб қолди.

Онам бирдан сесканиб тушди. Югуриб келиб Оллашукурни кучоқлади.

– Ким айтди, жоним болам? Ким айтса ҳам бекор айтиби, болам. Ана, кара, отанг

сенга пул жўнатибди. Ишонмасанг, шкафда отангнинг костюми чўнтағида турибди. «Оллашукурга велосипед олиб беринглар», деган. Эртага шу пулга сенга кичкина велосипед олиб бераман, хўпми?..

Оллашукурнинг йиглаган кўз ёшларини енги билан артган онамнинг ўзи ҳам хўнграб юборгиси келиб тургани шундоккина сезилиб турарди. Аммо онам йифламади. Ўзини туттиди. Эртасига онам директордан рухсат олиб Оллашукурни етаклаб шаҳарга жўнади. Унга берган ваъдасининг устидан чиқиб, велосипед олиб келди.

Онам бечора йикқан уч-тўрт сўм пулни дадамнинг костюми чўнтағига солиб кўяр экан. Онамнинг айтишича, эрракнинг чўнтағида турса пулнинг баракаси бўларкан. Баъзида костюмнинг ҳамма чўнтақлари пулга тўлиб кетган вактлари ҳам бўлган, аммо бўшаган вактлари ҳеч бўлмаган экан. Ҳатто биз катта бўлиб, Оллашукурни уйлантириш тадориги бошланган кунлари тўйга пул етмай, онамнинг боши қотиб, кимдан қарз олишни ўйлаб ухлаб қолибди. Шу куни отам тушига кирибди. Тушида отам: «Онаси, пулдан қийналдингми? Костюмимнинг ён чўнтағига қўлингни тик, кичкина тешик бор. Ана ўша ердан сенга керакли пул чиқади», дегандек бўлибди.

Эрталаб биз уйга келсак, онам хурматанди.

– Тўйни бошлайверамиз энди, қизим, пул топилди, – деб қолди.

– Ким берди? – дедим шошиб.

– Отанг, қизим, отанг...

Кейин билсан, онам боякиш бундан ўн-ўн икки йиллар бурун бир кора кунимизга ярап, деб отамнинг чўнтағини сал тешиб беш юз доллар пулни ташлаб қўйган, аммо ташвишлар билан хаёлидан фаромуш бўлган экан. Дадам тушига кириб шуни аён этибди.

Бир она бўлса, менинг онамдек бўлар, деб ўйлаб қоламан баъзан.

Онам барчамизни олий ўкув юртларида ўқитди. Фарзандларининг ҳаётда ўз ўрнини топишига, юрт равнаки учун хизмат қиладиган инсон бўлиб етишишига эришди. Барчамиз олий маълумотли бўлдик, икки опа-сингил онамнинг изидан бориб ўқитувчи, бир синглим шифокор бўлди.

«Отам қачон келади?» – дея тўхтовсиз саволлар билан юрагимизни ёзувчи кенжато-йимизнинг ўзи бугун оиласи, жажжи қизалоқнинг отаси. Отамнинг касбини эгаллаб, ҳаётда ўрнини топишига, онамнинг чеккан машаққатларини унуттиришга, яхши фарзанд бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Онажоним ёлғиз боши билан барчамизни уйли-жойли қилди, емай едирди, киймай кийдиди. Ҳеч кимдан кам қилмади. Лекин бу орада фарзандлар камоли, баҳт-икболи учун курашиб, ўзини аямай, касалликлар ҳам орттириди. Бугун ўзим ҳам она бўлиб, онамнинг кадрини, бедор ўтказган тунлари ҳаққини қандай адо қилиш йўлини, онам олдиаги қарзимни узиш ҳақида кўп ўйлайман. Лекин бу имконсиз, бу қарзимни ҳеч қачон узолмаслигимни янада чукур англайпман.

Болалигим ўтган ўйимизнинг файзи – онам. Беҳисоб шукрки, шу зот сабаб бизнинг ҳаётмиз фаровон, оиласидан тинч. Мана энди онажонимнинг соchlарига тушган оқ кировлар, юзларига тушган ажинлар сабабини сезгандай бўляпман.

Машхура ОРТИҚОВА,
ўқитувчи

«ОТАНГ КЕЛСИНЛАР, БОЛАМ, кейин овқатланамиз»

Оила деб аталмиш ҳаёт мактабида ўқитувчи «роли» асосан эркак киши зиммасига тушади. Тўғри, оилада аёл кишининг ҳам ўрни бекиёс. Аммо ўша ўриннинг бекиёслиги ҳам эркакка боғлиқ. Ҳаётда ўз «рол»ини ақл ва маҳорат билан ўйнаган эркакка ҳаётнинг ўзи «оила устуни», «суюкли ёр», «севимли дадажон», «жонажон бобожон» увонларини бериб қўяди.

Ҳар қанча аччик бўлмасин, очиқ айтиш керак. Кейинги пайтларда ҳалқимизга хос бўлмаган кўплаб иллатлар – оиласидан ажрашишлар, турили низоли вазиятлар, туаржой шароитларининг қониқарли эмаслиги, дангасалик, ичклибозлиқ, оиласидаги носоғлом мухит, жиноятга кўл уриш ҳолатлари каби омиллар пайдо бўлмоқда. Айниқса, ажрашишлар сонининг камаймаётгани кишида жиддий ташвиш ўйғотади.

баъзи эркаклар: ҳар қандай хотини кишини «йўриққа солса, тарбияласа» бўлади.

«Хотинингиз бошингизга чиқиб олдими?» Бунга биринчи галда ўзингиз айборгансиз. Унинг бошингизга чиқишига ё индамай қараб тургансиз ёки ўзингиз кўмаклашиб юборгансиз. Ахир ўз хотинига сўзи ўтмаган эркак эркакми, айтинг? Хотини хурмат қилмаган эркакни болалари хурмат қилармиди? Ўз оиласида ўрни бўлмаган эркакнинг жамиятда қандай ўрни бўлсин?



Бундай ҳолларда аёл кишига жуда ҳам оғир, чунки одатда аёллик туйғусига нисбатан оналик хисси кучли бўлади. Фарзанднинг кийналишига чидаб туролмаган она ҳаммасини бир четга суриб унинг эҳтиёжларини қондиришга тиришади. Эркак ва аёл вазифаси алмашиб қолганидан кейин нима ҳам бўларди? Оила парокандаликка юз тутади, фарзандлар тарбиясиз, етим, аёллар эса эркаксифат хотинларга айланишади.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажагини оиласидан ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билмокда, шунга қарамай бу каби муаммолар кундан-кунга кўпайса кўпаймоқдаки, асло камаяётгани йўқ.

Ҳар қандай эркак оиласидаги вазифасини тўлалигича бажарса, аёли ва фарзандларига суюнч, устун бўлиб, рўзғорини таъминлаб қўйса, оиласидан турли жанжал, ажримлар қаердан келиб чиқиши мумкин? «Хотиннинг ўзи ёмон», дегувчи

Оиласидаги ҳақиқий баҳт нимадалигини биласизми? Оиласидаги баҳт бу — фарзанд онасига: «Овқатланамизми, она?», деганида онанинг: «Отанг келсинглар, болам, кейин бирга овқатланамиз», деганидадир. Ушбу икки оғиз сўзининг замирида қанчадан-қанча маъно: тинчлик-хотиржамлик, сабр-тоқат, соғлик-саломатлик, тўкин-сочинлик, ҳамжиҳатлик, фарзанднинг ота-онага, хотиннинг эрига бўлган хурмат-эътибори мужассам.

Биз ўзбекларда келин қилиш, қиз узатишда бўлғуси келин ёки күёвнинг аввало қандай оиласидан тарбия топгани суриштирилади. Шу боис фарзандимизнинг баҳту саодати, ёруғ келажаги учун ҳаракатни у дунёга келган кундан бошлаймиз. «Эртага бирорнига бориб юзимни ерга қаратмасин», дея бугун бор эътиборимизни фақат қизларимизга қаратмасдан ўғилларимиз тарбиясига ҳам бироз дикқатли бўлсан яхши бўлармиди?

Мафтуна
ОМОНКЕЛДИЕВА

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАПАБ...



Барно Султанова

4 авг. в 23:19

«Маданиятли» безбетлар

Эрталабдан кардиологга навбат катта экан. Рўйхатга олиш ҳам, кассаем, консультант шифокор ҳам навбат. ЭКГ, ЭХО каби аппаратлар ҳам навбат. Консультантган навбатга турсам икки ёш жуфтлик кириб келди, балки ёш оиласир, балки унаширилгандир...

Иккаласи ҳам бир-бирига жуда мос, жуда чиройли кийинган, сипо ва одобли кўринади. Йигит секингина келиб эшик ёнида турган ҳамширага нимадир деди. Ҳамшира уларни регистратурага йўналтириди. Карта очтириб пулларини тўлаб келгач яна секингина, палончиевга бизнинг келганимизни айтиб кўйинг, деди йигит жуда одоб билан. Ва ниҳоят... палончиевни олдига навбатсиз кириб кетишиди. Ҳатто қорни қаппайган келинлар, юрагининг мазаси қочиб турган қариялар навбатини кутиб ўтирган бир пайтда.

Норози тўнғиллаган ким, очиқасига ҳамширага гап билан ташланган ким. Бояги йигит билан киз, балки эр-хотин, мулойим мушук бўлиб чиқиб кетишиди. Аёлнинг юзида фахр туйғуси. Юз кўзларидаги мулойимлик билан аппаратга тушишга кетишиди чоғим. Мен ҳам навбатим келгач врач тайинлаган аппаратга тушишга кетар чоғим яна навбат олиб кетдим. Келсан бояги жуфтлик аппаратларга тушиб қайтишиди, яна ҳамшира билан шивирлашиди ва навбатсиз, биз боя навбат олгандик дея кириб кетишиди. Ва яна ўша ғалаба нашидаси.

Тўғри, улар одамларнинг гап-сўзларига кўполлик билан жавоб бермадилар. Бу ёқда маданиятсизлик килиб бақир-чақирганлар билан айтишиб кетмадилар, лекин менинг назаримда айнан мана шунақалар ички маданияти ноль одамлардир. Мен учун оёқ кийими титилиб, жулдуру либосда кўчадаги мушугу итларга овқат бериб юрган одам маданиятилор.

P.S.: Қачонки ҳамшира ҳар қандай одамни навбат олиб киришга ундумас экан, қачонки мана шунақа эр-қакларнинг ёнидаги аёл ўз «халоскори»нинг ишидан мағрурланиш ўрнига «қўйинг, ҳамма қатори навбатга турайлик» демас экан, қачонки шифокор ҳатто ўзининг фарзанди келса-да навбатга туришни талаб қилмас экан, ИЙМОН, ИНСОФ, ВИЖДОН ва АДОЛАТ ҳакида гапиришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз ўйк.

Барно СУЛТОНОВА



Firuz Allaev

30 июл. в 16:58

Кутимаган ҳалоллик

Хозирги яшаб турган уйимизнинг 4-қаватида ёши қирқлардан ошган бир алкаш эркак яшайди. Шунча йилдан бери кимдир у ҳақида яхши гап айтганини эшитмаганман, ҳамма сўккан, ҳамма уни «дом»даги ҳар бир ўғрилика айблайди.

Кеча пластик картам билан тахминан 80 минг сўм атрофида (ҳаммаси 10 минг сўмлик) пулни чўнтағимдан тушириб қолдирибман. Тушиб қолган пулдан ҳам кўра, пластигимга ичим ачиdi, ўзи бир ҳафта олдин янгилағандим.

Қидириб кўчанинг бошига, таксидан тушган жоиймача бориб келдим, лекин тополмадим. Умидимни узгандим. Бугун ишдан қайтиб келиб, овқатланиб турсам эшик тақиллади, чиқиб очсан кўшни турибди. Мияда шамол тезлигига ҳозир арокка пул сўрайди деган фикр ўтди. У бўлса менга тушириб қолдирган пулим билан пластик картамни узатиб, «пулинг билан пластигингни топиб олдим» деди. Қўлига қанча пул тутқизсан ҳам олмади. Раҳмат айтсан, «не за что» деб тушиб кетди...

Фируз АЛЛАЕВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоки марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижкорат «Алокабанк».

Газетада интернет материаларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 априлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0814-ракам билан рўйхатта олинган.
«Шарқ» наприёт-матбаба акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ЖАВОХИР

Абдували
ҚУТБИДДИН

Ассалом, эй аҳли қуши,
Бошим хаёл, эгним туши.
Кўкрак қафасим сароб,
Олар нафасим азоб.

Ассалом, эй аҳли гул,
Бошим шамол, эгним йўл,
Оғизим-тамогим тўзон,
Чиқар нафасим хазон.

Ассалом, эй аҳли тун,
Боши қурум, эгним қурум.
Ҳаёт дегани ридо,
Ҳар бир нафасим видо.
Ассалом, эй ассалом.

Товада «тезкор» пицца



Пицца егингиз келяпти, аммо узоқ пишир-қўйдирга тобингиз йўқми? Биз сизга 15 дақиқада оддийгина товада пиширса бўладиган тезкор пицца рецептини берамиз.

Масалликлар: 2 та тухум, 4 ошқошиқ сметана, 4 ошқошиқ майонез, 9 ошқошиқ ун, 100 грамм помидор, 50 грамм дудланган колбаса, 1-2 дона маринадланган бодринг, 80 грамм пишлөк, 3 ошқошиқ помидорли кетчуп, 1 ошқошиқ ўсимлик ёғи.

Тайёрланиши: Чукур идишда венчик ёрдамида тухум, сметана, майонез ва кетчуп, 1 ошқошиқ ўсимлик ёғи.

миз. Помидор, колбаса ва бодрингни парракларга бўламиз. Пишлөки қирғичнинг катта тишидан ўтказамиз. Қиздирилган товани ўсимлик ёғи билан ёғлаймиз. Устидан ҳамирни қуйиб, това бўйлаб бир хил қилиб ёямиз. Ҳамир устига озрок кетчуп сурамиз. Устидан колбаса, помидор ва маринадланган бодринг парракларини қўйиб чиқамиз. Устидан пишлөқ сепамиз. Това қопқоғини ёпиб, паст оловда пиццани 10 дақиқа пиширамиз.

Ёқимли шитаха!

Бош муҳаррир

Хусниддин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-йй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компьютерида терилди ва сахифаланди.

Буюртма: Г-837
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Адаби: 1 648 нусха.
Нархи: келинуб асосида.
Қоғоз бичими А-3, хажми 2 босма табоб.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишига топширилди: 17:00



123456

ҲАҚ СЎЗ УЧУН – 15 ЙИЛ

Ёхуд «Ҳар нафасинг ҳолидан огоҳ бўл!..»

Уни илм аҳли «пешволар қўёши» деб эътироф этган.

У раҳбарга «иддаси чикмagan аёлга уйланиши ҳаром» деган ҳақ гапни айта олгани учун Ўзган зиндонида ўн беш йил банди бўлган. Шу жойда ҳар куни уни йўқлаб келган шогирдларига дарс берган.

Айни ўша пайтда унинг шоҳ асари яратилган. У мазкур асарини бирон китобдан фойдаланмасдан (*табиийки, зиндонида бунга имкон бўлмаган*) факат ўқиган китобларидан хотирада қолган билимiga таянган ҳолда шогирдларига ёддан айтиб туриб ёздириган. Ўттиз жилдан иборат «Мабсүт» деб номланган ушбу асар кейинчалик энг зарур хукукий қомус сифатида эътироф этилиб, бутун дунёда оилавий можаролар, кўнгилсизликлар, айрим жиноят турлари қўпайгани ҳақида хабар бериляпти.

Ўн беш йиллик зиндондаги ҳаётидан ана шундай фойдаланган бу зот Муҳаммад ибн Аҳмад Сараҳсийидир.

Бу қарийб минг йил олдинги гаплар.

Бугун инсоният тараққий топди, такомиллашди, катта ютуқларга эришиди. Илмий-техника инқилоби юз берди. Ҳамма нарса электронлашди. Қўлимизни чўзсан, дунёнинг нариги бурчагига етадиган бўлди.

Инсон деган жонзот салкам ярим йилдирки, ўз иродасига қарши равища «Уйда қолинг!» амрини бош устига қўйиб яшапти. Бу давр ичидан дунёда оилавий можаролар, кўнгилсизликлар, айрим жиноят турлари қўпайгани ҳақида хабар бериляпти.

Яна баъзилар ичига чироқ ёқса, ёришмайдиган кайфиятда эртанги кунга кўз тикиб, эшиклар очилишини интиқлик билан кутяпти. Шу кутишда бутунги кун – умр беҳуда ўтиб кетмаяптикан, деган савол хаёлни пармалайди...

Бу кунларга кимлардир ҳаётий фаолиятга тўсиқ сифатида қараяпти. Яна кимлар учундир бу – умрнинг ғанимат дамлари, катта имкониятлар учун мавсум.

Халқда «бу кунлар ҳам ўтар-кетар...» деган гап бор.

Навоий ҳазратлари «Ҳар нафасинг ҳолидан огоҳ бўл!..» деган эканлар...

Сиз-чи, эй инсон! Бу кунларга қайси назар билан қаряпиз?

Ogoh.uz

ИНТЕЛЛЕКТ

АКТЁРЛАР НИМАДАН
ҚЎРҚИШАДИ?

Театр актёрлари бир нарсадан жуда кўрқишиади, ҳатто тушларига кирса ўнгимда тескариси бўлади деб ўзларини юпатишиади. Чунки у актёрлик ижросига ҳам салбий таъсир ўтказади.

Савол: театр актёрлари нимадан кўпроқ қўрқишиади?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сесанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Telegram: (+99893) 518-08-57

Газетамизнинг 2020 йил 30 июль 28-сонида берилган саволнинг жавоби:
Паҳлавон Маҳмуд ҳўқиз терисини нимтабал, тизимча ҳолатига келтиради. Барча асирларни майдонга тўплаб уларни тизимча билан ўрайди.